

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБИДОВА ЗАЙНАБ ҚАДИРБЕРГАНОВНА**

**ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА ҚАДАМЖОЛАРИ  
(тарихий-этнологик тадқиқот)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Абидова Зайнаб Қадирбергановна**

Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (тарихий - этнологик тадқиқот).....3

**Абидова Зайнаб Қадирбергановна**

Места паломничества и поклонения Хорезмского оазиса (историко - этнологическое исследование)..... 25

**Abidova Zaynab Kadirberganovna**

Places of pilgrimage and worship of the Khorezm oasis (historical - ethnological research)..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 53

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБИДОВА ЗАЙНАБ ҚАДИРБЕРГАНОВНА**

**ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА ҚАДАМЖОЛАРИ  
(тарихий-этнологик тадқиқот)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.3.PhD/Tar186 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://uzhistory.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аширов Адҳамжон Азимбоевич**  
тарих фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Баллиева Руза**  
тарих фанлар доктори, профессор

**Абдулаҳатов Нодирбек Ураимович**  
тарих фанлар номзоди.

**Етакчи ташкилот:**

Тошкент давлат шарқшунослик  
институти.

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06.01.2018. Tar.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил **2 ноябрь** куни соат **14.00** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси 5-уй, ЎзР ФА Тарих институти 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (998) 71233-54-70; 71233-73-19; факс: (998) 71233-39-91; e-mail: [info@uzhistory.uz](mailto:info@uzhistory.uz). Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган).

(Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел: (998) 71262-74-58; факс: (+998) 71262-34-41).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. С. Сагдуллаев,**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор, академик.

**М. Х. Пайзиёва,**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

**С. С. Агзамходжаев,**  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, т.ф.д.,  
профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ғоявий ва инфор­мацион курашлар кучайиб бораётган XX асрнинг сўнгги чораги, XXI аср бошларида дунёнинг турли минтақалари ва халқларига хос маданий меросни сақлаш борасида илмий изланишлар долзарблик касб этмоқда. Шу боис ҳам замонавий жаҳон этнологиясида жамият ҳаётидаги барча жараёнлар эмас, балки этнос ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли минтақаларга хос маданиятларни тадқиқ қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон этнологиясида зиёратгоҳлар ва қадамжоларни тадқиқ қилишга қизиқиш кучаймоқда. Чунки муқаддас жойлар барча даврларда ҳам инсонлар кундалик турмуш тарзининг бир қисми сифатида эътироф этилган. Бу эса дунё этнологлари томонидан турли тарихий-этно­график минтақалардаги муқаддас жойлар, зиёратгоҳлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни таҳлил қилиш, уларнинг маҳаллий хусусиятларини илмий асосда тадқиқ қилиб, халқ маданияти ва этноэкологик кўриқхонаси тарзида талқин этиш ҳамда турли минтақаларда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг илмий асосини яратишга қаратилган махсус изланишлар олиб боришни талаб этмоқда.

Президент Ш. М. Мирзиёев Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш зарурати борасида таъкидлаганидек: “Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат ҳисобланади. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта”<sup>1</sup>. Бугунги кунда ўзбек халқининг қадимий тарихи ва бой маданий меросини тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Бу ўринда мамлакатимизнинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари қаторида Хоразмнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, воҳа ўзбек халқининг қадимий тарихи, бетакрор маданияти ва муқаддас зиёратгоҳлари билан машҳур бўлган “этнографик кўриқхона” дир. Ўзбекистон этнологиясида ўтмиш тарихимиз ва замонавий анъаналарни ўзида мужассамлаштирган Хоразм воҳаси зиёратгоҳларини халқ мероси объекти ва анъанавий маданиятнинг феномени тарзида тадқиқ қилиш, уларнинг табиий-географик, этник, экологик, ижтимоий-иқтисодий функциялари тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, зиёратгоҳ ва қадамжолар билан боғлиқ қарашлар ҳамда зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимларни этнология, тарих, диншунослик ва социология каби фанлараро ёндашув асосда комплекс тарихий-этнологик йўналишда мукам­мал ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев. Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш масалалари ҳақида // Халқ сўзи. 2017 йил 4 октябрь, 199 (6893) –сон. –Б.1.

қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”<sup>2</sup>ги, “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари<sup>3</sup>, “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>4</sup>даги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш тўғрисида”<sup>5</sup>ги ва “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”<sup>6</sup>ги фармойишлари ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши миллий кадриятлар, миллий ғоя, моддий ва номоддий маданий мерос, ўзбек ҳалқи ва давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш” дастури устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжоларини тарихий-этнологик жиҳатдан ўрганишга бағишланган ушбу диссертацион тадқиқотда мавзуга оид манба ва адабиётлар тарихшунослик нуқтаи назаридан тўрт гуруҳга бўлиб таҳлил қилинди:

1. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империяси ва Европа мамлакатлари тадқиқотчилари томонидан яратилган асарлар: мавзу доирасида Л. Костенко, шарқшунослар А. Калмыков, М. Иванин, А. Кун, библиограф В. Межов, академик В. Бартольд ва К. Залеманлар тадқиқотларда эътиборга молик мулоҳазалар билдирилган.

2. Совет даври тарихшунослигида зиёратгоҳлар муаммоси С. Толстов, М. Сазонова, А. Якубовский, Я. Ғуломов, Л. Маньковская, В. Булатова, И. Ноткин, Ю. Стеблюк, Е. Неразик, В. Пилявский, Б. Засипкинлар, Г. Пугаченкова, Л. Ремпель, Н. Вактурская ва К. Задихина, Г. Снесарев, О. Сухарева, З. Соколова ва И. Жабборовлар томонидан ўрганилган.

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 120-сонли “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги 200-сонли “Моддий, маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги “2017–2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш тўғрисида”ги фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сонли “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармойиши. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Мустақиллик йилларида мавзу доирасида И. Жабборов, Ҳ. Кароматов, Б. Аҳмедов, А. Аширов, Т. Қиличев, А. Маликов, М. Саттор, А. Абдурасулов, Ғ. Ходжиниязов, С. Есберганова, Х. Хақимниязовларнинг асарлари чоп қилинди.

4. Ўрганилган муаммога бағишлаб хорижий тадқиқотчилар Н. Терлецкий, С. Абашин, А. Сызранов, С. Червонная, Д. Девиз, М. Эбади, П. Сартори, Ш. Акинер, А. Алонсо, Д. Кандиети, К. Бодроги ва Д. Абрамсонлар томонидан ҳам қатор тадқиқотлар эълон қилинган.

Тадқиқотнинг ўрганиш тарихшунослиги шуни кўрсатадики, Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари мавзуси тадқиқот объекти тарзида махсус тадқиқ қилинмаган. Хусусан, воҳа зиёратгоҳларининг минтақавий хусусиятлари, уларни жамият иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва зиёрат туризми каби мавзуларни қамраб олган яхлит тарихий-этнологик тадқиқот мавжуд эмас.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Урганч давлат университетининг илмий тадқиқот режалари ва Хоразм Маъмун академиясида Давлат илмий техник дастурлари асосида амалга оширилган ФТҚҚФ М3-12-рақамли “Хоразмда тарихий-маданий объектлар (муқаддас қадамжолар) ва уларнинг шаклланиш тарихи (2012–2013)” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Хоразм воҳаси қадамжо ва зиёратгоҳлари, уларда ўтказиладиган урф-одат, маросимларнинг маҳаллий хусусиятларини этнологик аспектда очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Хоразм воҳаси зиёратгоҳларининг ўрганилиш даражаси, соҳада эришилган ютуқлар ва камчиликларга илмий баҳо бериш;

тарихий ёзма манбалар ва илмий адабиётларда зиёратгоҳлар тарихига оид маълумотларни таҳлил қилиш;

Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжоларининг тавсифи, таснифи ва меъморий тузилишини фанлараро ёндашув асосида тадқиқ қилиш;

воҳа зиёратгоҳ ва қадамжоларига аҳоли муносабати ҳамда улар тўғрисида тасаввурларни этносоциологик тадқиқотлар асосида кўрсатиб бериш. Шунингдек, зиёратгоҳларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт ҳамда маҳаллий аҳоли кундалик турмуш тарзига таъсирини таҳлил этиш;

зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимларнинг минтақавий хусусиятларини ўрганиш асносида уларнинг тарихи, зиёрат тартиби ва маданиятини этнографик материаллар асосида аниқлаштириш;

воҳа зиёратгоҳларида тақвимий ва хўжалик ҳаёти билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган маросимларни тарихий-этнологик йўналишда ёритиб бериш;

зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимларнинг ўзбек халқининг миллий маданияти ва менталитетида тутган ўрни ҳамда уларнинг замонавий глобализм жараёни контекстида ўзгариши билан боғлиқ илмий хулосалар чиқариш;

ўрганилган масалалар юзасидан илмий хулосалар ва амалий аҳамиятга молик тақлиф ҳамда тавсиялар билдиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Хоразм воҳаси аҳолисининг зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашлари ва маросимлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифийлик, тарихийлик, тарихий-қиёсий таҳлил, этнографик кузатув, анкета-сўровнома каби илмий тадқиқот усулларида кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

XX асрдаги Марказий Осиё минтақасида юз берган ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлар таъсирида Хоразм зиёратгоҳлари билан боғлиқ қарашлар трансформациялашганлиги ҳамда зиёратгоҳлар этномаданий ўзликни англаш объектига айланганлиги этнографик материаллар асосида очиқ берилган;

мустақиллик йилларида Хоразм зиёратгоҳларининг жамият иқтисодий ҳаётидаги ўрни ёритилиб, республикада туризмнинг янги йўналиши бўлган *зиёрат туризми*ни ривожланиш босқичлари воҳа зиёратгоҳлари (*Паҳлавон Маҳмуд, Султон Увайс, Юсуф Ҳамадоний ва Шайх Муҳтор Валий*) мисолида тарихий-этнографик материаллар асосида далилланган;

Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари мисолида зиёратгоҳлар маънавият маскани бўлиши билан бирга этноэкологик кўрикхона вазифасини ҳам бажариши, улардаги муқаддаслаштирилган объектлар (*булоқ, қудуқ, дарахт*)га бўлган “табу” натижасида ўзига хос экосистема яратилиши ёритилган;

зиёратгоҳларда ўтказиладиган халқона *маросимлар* (*дарवेशона, қурбонлик, садақа, чилла сақлаш ва жаар (зикр) ва сайил(Наврўз, тут, қизил гул)*)лар этнологик аспектда ёритилиб, Хива туманида аждодлари руҳини хотирлаш, хайр-эҳсон бериш ва қурбонлик қилиш мақсадида “*Авлиёнинг тўйи*” маросими ўтказилиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

диссертацияда Хоразм воҳаси зиёратгоҳларининг жойлашган ўрни, уларнинг меъморий тузилиши ўрганилиб, Хоразм вилояти зиёратгоҳлари харитаси яратилди;

вилоятда таъмирталаб ҳолатга келган тарихий ва археологик аҳамиятга молик зиёратгоҳларни таъмирлаш, қайта тиклаш юзасидан амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда замонавий этнология фанида тан олинган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий-этнографик адабиётлардан фойдаланилганлиги, бирламчи этнографик манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозиргача Хоразм воҳасида кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган маҳаллий аҳамиятга эга кўплаб зиёратгоҳлар аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш, Хоразм воҳасидаги зиёратгоҳлар тарихи, зиёратгоҳларда ўтказиладиган урф-одат, анъана ва маросимларнинг худудий хусусиятлари ақс этган илмий, илмий-оммабоп нашрлар чоп этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқот натижалари Хоразм тарихи, маданияти, осори-атиқалари ва муқаддас зиёратгоҳларига бағишланган махсус сайтлар яратиш жараёнида ҳам илмий асос вазифасини бажариши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мавзу юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари, муқаддас жойлари тарихи ва минтақадаги мақбараларнинг меъморий тузилишини ёритиш, шунингдек, зиёратгоҳларнинг географик ўрнини аниқлашда этнографик тадқиқотлар материалларидан Хоразм Маъмун академиясида 2012–2013 йилларда бажарилган М3-12-рақамли “Хоразмда тарихий-маданий объектлар (муқаддас қадамжолар) ва уларнинг шаклланиш тарихи” фундаментал лойиҳасида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 20 июндаги 23/1255-1639-сонли маълумотномаси). Бу Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари тарихи, меъморий тузилиши ва улар билан боғлиқ тарихий шахслар биографиясини ёритишда илмий асос бўлиб хизмат қилади;

Хоразм зиёратгоҳларини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар асосида йиғилган маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан дастурнинг 5-бандида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, яъни зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш ва асл моҳиятини ёритишда фойдаланилди (“Олтин мерос” фондининг 2018 йил 17 апрелдаги 23-сонли маълумотномаси). Бу натижалар ўзбек халқининг тарихий ва маданий ёдгорликларини дунёга танитиш ва ёшлар онгида миллий қадриятларга бўлган ҳурмат, миллий ғурур туйғусини сингдиришда муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, жумладан, 1 монография, ОАКнинг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 11 та (8 та республика, 3 та хорижий) мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 144 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Мавзу манбашунослиги ва тарихшунослиги”** деб номланган биринчи бобда зиёратгоҳлар тўғрисидаги ёзма манбалар ва уларни ўрганилиш тарихшунослиги таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг *“Ёзма манбаларда Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ҳақидаги маълумотлар”* деб номланган биринчи параграфида X–XX асрларга оид ёзма манбаларда Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ҳақидаги маълумотлар ёритилган. Бу манбалар даврийлигига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. *X–XVI асрларда араб-форс, туркий ва Европа тилларида ёзилган манбалар.* Бу даврда турли давлатлар ва мамлакатларга олиб борадиган йўллар ҳамда бу мамлакатларда яшовчи халқлар ҳаёти тасвирланган бир қанча географик ва тарихий адабиётлар ёзилган. Абу Райҳон Берунийнинг *“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”* асарида турли халқларнинг келиб чиқиши, урф-одатлари, ҳайитлари ва маросимларини ўрганиш билан бир қаторда, хоразмликларнинг байрамлари, урф-одат ва маросимлари ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилинган<sup>7</sup>. XI асрда Шайх Абу Тохир Тартусий томонидан битилган *“Абу Муслим жангномаси”* асарида хоразмлик авлиё даражасига кўтарилган Музробшоҳ Хоразмий, Аҳмад Замчий ва Меҳтарбоди Ялдоларнинг Уммавийларга қарши ҳаракати, шунингдек, саркарда Абу Муслим ҳаёти ва фаолияти ёритилган<sup>8</sup>.

Воҳадаги машҳур зиёратгоҳлар тўғрисида маълумотлар араб сайёҳи Абу Абдулло Ёкут ибн Ҳамавийнинг *“Мўъжам ул-булдон”* асарида келтирилган<sup>9</sup>.

Мирзо Улуғбекнинг *“Тўрт улуси тарихи”* асарида хоразмлик авлиё Нажмиддин Кубронинг мўғулларга қарши курашда шаҳид бўлиб, *“Шоҳи шуҳадо (шаҳидлар шоҳи)”* номига сазовор бўлгани ва авлиё Саййид ота тўғрисида маълумотлар қайд қилинган<sup>10</sup>. Машҳур авлиёлар тарихини ёритишда маноқиб<sup>11</sup> (шайх ва авлиёларнинг яхши хислатлари)ларнинг аҳамияти катта бўлган<sup>12</sup>.

1338 йили Хоразмни зиёрат қилган араб сайёҳи Ибн Баттутанинг 1356 йилда ёзилган *“Тухфат ан-нуззар фи ғаройиб ал-амсар ва ажойиб ал-афсар”*

<sup>7</sup>Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1-жилд, – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 280.

<sup>8</sup>Абу Муслим жангномаси. – 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – 224 б; 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – 144 б.

<sup>9</sup>Элмуродов И., Эшмуродов М. X–XII асрлар Хоразм маданияти Ёкут Ҳаммавий талкинида. –Урганч. 2005.– Б.14.

<sup>10</sup>Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Б.Аҳмедов таҳрири остида. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – 325 б.

<sup>11</sup>Абдуҳолик Гиждувоний. Макомати Юсуф Ҳамадоний (XIV аср), Ҳусайн Воиз Кошифий. Рашахот айн ул-ҳаёт (Ҳаёт чашмасидан томчилари).

<sup>12</sup>Аҳмедов Б.Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.255.

тарихий асарида воҳа зиёратгоҳлари борасида маълумотлар ёритилган<sup>13</sup>. Форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ул-унс” асарида Нажмиддин Кубро тўғрисида маълумот бериб ўтган<sup>14</sup>. Хуллас, X–XVI асрлардаги манбаларда зиёратгоҳлар бўйича юқорида номлари келтирилган муаллифлар асарларида айрим маълумотлар қайд қилинган бўлсада, ёзма манбалар баъзан ҳукмдор доираларнинг манфаати ва мафқураси талабидан келиб чиққан ҳолда ёзилган.

2. *XVII аср охири – XX аср бошларига доир ёзма манбаларда воҳа зиёратгоҳлари тавсифи.* XVII аср охиридан XX асрнинг бошларига қадар бўлган даврда воҳа зиёратгоҳлари билан боғлиқ маълумотлар Абулғози Баҳодирхон, Огахий, Мунис, Муҳаммад Юсуф Баёний ва Комёб<sup>15</sup> каби маҳаллий тарихчилар асарларидан ўрин олган. XIX асрда Хивада яшаган Худойберди Қўшмуҳаммад ўғли Хивақий ва Салоҳиддин Тошкандийнинг асарларида воҳада яшаган авлиёлар ва зиёратгоҳларга оид маълумотлар мавжуд<sup>16</sup>.

3. *XVIII аср охири – XIX асрда шарқ ва европалик сайёҳлар маълумотларига доир ёзма манбалар.* XVIII–XIX асрлардаги зиёратгоҳлар тўғрисида дастлабки илмий маълумотлар Хива хонлигини ўрганиш учун турли мақсадларда, аниқ ва хуфийна вазифаларни бажариш учун юборилган араб, форс ва европалик элчилар, сайёҳлардан Херман Вамбери, Муҳаммад Алихон Ғофур ва Мирзо Ризоқулихон Ҳидоят-Лолобоши<sup>17</sup> томонидан ёзилган кундалиқлар ва ҳисоботларда келтирилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга саёҳат қилган инглиз Г. Ландесделл томонидан ёзилган асарда Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд, Кўхна Урганчдаги Нажмиддин Кубро зиёратгоҳлари билан боғлиқ маълумотлар ёзиб қолдирилган<sup>18</sup>.

XVIII–XIX асрларда маҳаллий тарихчилар ва сайёҳлар томонидан яратилган асарларда муқаддас жойларнинг хонлик аҳолиси ҳаётидаги ўрни қисман ёритилган бўлсада, Хоразм зиёратгоҳлари тарихи борасида батафсил маълумотлар қайд қилинмаган.

Ушбу бобнинг “*Муаммонинг ўрганилиши тарихшунослиги*” деб номланган иккинчи параграфи кадамжо ва зиёратгоҳларнинг ўрганилиши тарихшунослигига бағишланади. Тадқиқ этилаётган муаммо тарихшунослик нуқтаи назаридан 4 та гуруҳга бўлинган:

1. *XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империяси ва айрим Европа мамлакатлари тадқиқотчилари томонидан яратилган асарлар.* 1873 йилда

<sup>13</sup>Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Тошкент, 1993. – Б.59.

<sup>14</sup>Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. – Тошкент: О.А.Порцев литографияси, 1915. – Б. 405.

<sup>15</sup>Абулғозий. Шажараи турк. –Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 69–70; Мунис, Огахий. Фирдавс ул-икбол: Бахтлар боғи: Энг қадимги даврлардан 1825 йилгача бўлган Хоразм тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – 384 б.; Огахий. Шохид ул-икбол. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – 336 б.; Огахий. Асарлар. V жилд. Тарихий асарлардан парчалар (Риёз уд-давла). – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1978. – Б.159; Зубдат-ут- таворих (Тарихлар сараси). – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.62; Баёний. Шажарайи Хоразмшохий. – Тошкент: Камалак, 1992. – Б.175–255; Сайид Ҳомид тўра Комёб. Таворих ул-хавонин. – Тошкент: Академия, 2002. – Б. 9.

<sup>16</sup>Худойберди Қўшмуҳаммад ўғли. Дили ғаройиб. Б.Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. – Б.334; Темурнома. – Тошкент: Чўлпон, 1990. – Б.87.

<sup>17</sup>Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература, 2003. – С.68; Муҳаммад Алихон Ғофур. Хоразм сафари кундалиқлари (Эрон элчисининг хотиралари. XIX аср). – Тошкент: Фан, 2005.– Б.7; Мирзо Ризоқулихон Ҳидоят-Лолобоши. Сафарномаи Хоразм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 49 б.

<sup>18</sup>Landesdell H. Russian Central Asia including Kulja, Bokhara, Khiva and Merv. Vol. 2. – London: 1885. –P. 293, 344, 347.

Хивада бўлган полковник Л. Костенко<sup>19</sup>, шарқшунослар А. Калмыков, М. Иванин, А. Кун ва библиограф В. Межов асарларида зиёратгоҳларга доир эътиборга молик мулоҳазаларни учратиш мумкин<sup>20</sup>. Шунингдек, академик В. Бартольд ва К. Залеман асарларида мавзу доирасида қизиқарли илмий мулоҳазалар баён қилинган<sup>21</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Хива хонлигига келган элчилар, ҳарбийлар, савдогарлар, саёҳатчилар, олимлар аниқ ва хуфиёна вазибаларни бажарган бўлсаларда, улар томонидан ёзилган манбаларда Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари билан боғлиқ баъзи илмий асосга эга бўлган маълумотлар ёритилган. Бу маълумотлар воҳа халқлари тарихи ва этнографиясини ёритиш борасида кейинги тадқиқотлар учун муҳим замин бўлиб хизмат қилади.

2. *Совет даври тарихишунослигида зиёратгоҳлар муаммоси таҳлили.* Бу даврда воҳа зиёратгоҳларини ўрганишда С. Толстов ва унинг сафдошлари Б. Андрианов, М. Сазонова, А. Якубовский ва биринчи ўзбек археолог олими Я. Фуломовлар катта ҳисса қўшдилар<sup>22</sup>. Л. Маньковская, В. Булатова, И. Ноткин, Ю. Стеблюк, Е. Неразик, В. Пилявский ва Б. Засыпкин<sup>23</sup>лар асарларида зиёратгоҳларни меъморий ечими ва қурилиш услубига кўра ўрганганлар. Я. Фуломов, О. Вишневская, Г. Пугаченкова, Л. Ремпель, Н. Вактурская ва В. Ворониалар Хива ёдгорликларини эпитафик ёзувлар асосида тадқиқ қилганлар<sup>24</sup>. Этнограф К. Задихина асарларида воҳа аҳолисининг диний эътиқодлари ва маросимлари билан боғлиқ илмий асосланган мулоҳазалар мавжуд<sup>25</sup>. Г. Снесарев мавзу доирасида қатор этнографик асарлар яратган<sup>26</sup>. Воҳадаги анъанавий диний эътиқодлар ва культлар борасидаги

<sup>19</sup>Костенко Л. Город Хива в 1873 году // Туркестанский сборник. – Спб., 1873. – Т. 82. – С. 323.

<sup>20</sup>Калмыков А. Хива // Туркестанский сборник. – Ташкент: 1908. – Т.471. – С.152–159; Иванин М. Хива и река Амударья // Туркестанский сборник. – Спб., 1873. – Т.50. – С.72; Межов В. Рассказы напоминание из Хивы. 1873 год 30 мая. Казалинск // Т.С.– Спб., 1873. – Т.46. – С.362–364; Кун А. От Хивы до Кунграда // Т.С. Материалы для статей Туркестанского края. – Спб., 1876. – Т. 122. – С.205, 213–221.

<sup>21</sup> Бартольд В. Работа по отдельным проблемам истории Средней Азии. – М., Наука, 1964. – Т. II. Ч.2 – С. 361, 534; Залеман К. Легенда о Хаким-ота // Известия АН. – Спб., 1898., – № 2, – С.105–150.

<sup>22</sup> Толстов С. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948. –351 с.; Толстов С., Жданко Т., Итина М. Работы ХАЭЭ в 1958–1961 гг. // МХЭ, Вып. 6. – М., 1963. – С. 17–18; Сазонова В. К этнографии узбеков Южного Хорезма // ТХАЭЭ. – М.: АН СССР, 1952. –Т.1. – С. 247–318; Фуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. – Тошкент: ЎзССР ФА, 1959. – Б.32, 90, 98 – 99.

<sup>23</sup> Маньковская Л., Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. – Ташкент: Издательство Г.Гуляма, 1978. – 192 с.; Булатова В., Ноткин И. Архитектурные памятники Хивы. – Ташкент: Узбекистан, 1972. – 92 с.; Маньковская Л. Хива. Музей под открытым небом // Заповедник Хорезмского зодчества. Альбом. – Тошкент: Издательство Литературы и искусства, 1982. – 264 с.; Стеблюк В. Погребальные сооружения Южного Хорезма // МХЭ, вып. №7. –М., 1963. – С.111–118; Исмамут-ата (К типологии погребальных сооружений у народов Средней Азии). – М., С.Э. 1959. – №3. – С. 89–97; Неразик Е. Сельские поселения Хорезма афригидского периода. – М.: Наука, 1966. – 154 с.; Пилявский В. Куля-Ургенч. – Л., Стройиздат, 1974. – 72 с.; Засыпкин Б. Архитектура Средней Азии древних и средних веков. – М., 1948. – 160 с.

<sup>24</sup> Гулямов Я. Памятники города Хивы. – Ташкент: Наука, 1941. – 85 с.; Вактурская Н., Вишневская О. Памятники Хорезма эпохи Великих Хорезмшахов (XII–начало XIII в.) // Материалы Хорезмской экспедиции. (МХЭ). Вып.1. – М.: Наука, 1959. – С.152–162; Пугаченкова Г. Материалы к истории Хорезмского зодчества // МХЭ. Вып. 7. – М.: Наука, 1963. – С. 125–127.

<sup>25</sup> Задыхина К. Узбеки дельты Амударьи // Труды Хорезмской Археологической Экспедиции (ТХАЭЭ). – М.: Академии наук СССР, 1952. – Т. I. – С. 318–426.

<sup>26</sup> Снесарев Г. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., Наука, 1969. –369 с.; Под небом Хорезма. – М.: Мысль, 1973. –160 с.; Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: Наука, 1983. – 213 с.; Три хорезмские легенды в свете демонологических представлений // Советская этнография (СЭ) – М.,1973. – № 1. – С.48–59.

маълумотлар В. Башилов, О. Суҳарева, З. Соколова ва И. Жабборовлар асарларида батафсил ёритилган<sup>27</sup>.

XX асрнинг 60–80-йилларида А. Раҳманов, С. Юсупов, Ж. Бозорбоев, У. Аҳмаджонов, А. Қосимзода, Н. Йўлдошев, Ю. Петраш ва бошқалар томонидан атеистик тарғибот-ташвиқот, сиёсатга хизмат қилувчи қатор асарлар яратилди<sup>28</sup>.

Хоразм вилоят Давлат архивида сақланаётган ҳужжатларда Хоразм қабристон ва зиёратгоҳлари рўйхати, пул маблағларининг тушуми ва уларни ўзлаштириши ҳамда советлар даврида уларнинг моддий мерос объекти сифатида муҳофаза масалалари билан боғлиқ маълумотлар учрайди<sup>29</sup>.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, келтирилган маълумотлар совет даврида мазкур соҳа археолог, тарихчи ва этнографлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда акс этган, лекин улар ҳам мавзу доирасида чуқур ўрганилмаган бўлиб, тавсифий характерга эга.

3. *Мустақиллик даврида яратилган тадқиқотлар*. Бу даврда мавзу доирасида И. Жабборов, Ҳ. Кароматов, А. Аширов, Т. Қиличев, А. Маликов, М. Саттор каби муаллифлар тадқиқотлар олиб бордилар<sup>30</sup>. Тарихчилардан Б. Аҳмедов, А. Абдурасулов ва Д. Қурбанова<sup>31</sup> томонидан яратилган асарларда ҳам мавзуга оид маълумотлар келтириб ўтилган. Ғ. Ходжаниязов ва С. Есберганава<sup>32</sup>лар томонидан воҳанинг муқаддас жойлари ва ҳайвонлар култи билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилди.

П. Зоҳидов ва Ш. Рейимбаев Хоразм зиёратгоҳларини меморий жиҳатдан ўрганган бўлса, тарихчи К. Худайберганов Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи эпиграфикасини ўрганиш асносида, унинг архитектураси ва тарихини тадқиқ қилган<sup>33</sup>. Қорақалпоғистонлик Х. Ҳакимниязов, Х. Есбергенов ва

<sup>27</sup> Жабборов И. Эътиқод, одат, одоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1967. – 39 б.; Суҳарева О. К вопросу о культуре мусульманских святых в Средней Азии // Труды Института истории и археологии. – Ташкент, 1950. – Т. II. – С. 159–178; Ислам в Узбекистане. – Ташкент: АНУзССР, 1960. – 240 с.; Башилов В. Культ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970. – 144 с.; Соколова З. Культ животных в религиях. – М.: Наука, 1972. – 214 с.

<sup>28</sup> Раҳманов А., Юсупов С. Хоразмда “муқаддас” жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Тошкент, 1963. – 29 б.; Бозорбоев Ж. Эулиеликларнинг сырлари. – Нукус, 1972. – 28 б.; Алимухамедов А. “Муқаддас” ва “қадамгоҳлар”. – Тошкент: Ўзбекистон, 1966. – 29 б.; Саксонов Т. Муқаддас жойлар–хурфот ва бидъат ўчоғи. – Тошкент: Медицина, 1986. – 86 б.; Петраш Ю. Қадамжолар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1965. – 106 б.; Йўлдошев Н., Аҳмаджонов У. Ислом динида авлиёларга ва уларнинг мазорларига сиғиниш. – Тошкент: Фан, 1959. – 66 б.; Давлатбоев Т. Авлиёларга сиғиниш ва уларнинг зарарлари. – Тошкент: Фан, 1979. – 24 б.; Йўлдошев Н., Ҳакимов Х. Муқаддас жойлар сири. – Тошкент: Фан, 1988. – 25 б.

<sup>29</sup> Хоразм вилояти Давлат архиви, 578- фонд, 1- рўйхат, 14-иш. 22 варақ, 12–13, 16–17-бетлар; 39-иш, 113 б.; 46-иш, 26 варақ; 638-фонд, 1- рўйхат, 6-иш, 201 варақ; 1- рўйхат, 13-иш. 216 варақ.

<sup>30</sup> Жабборов И., Дресвенская И. Души, святые, боги Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1993. – 223 с.; Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.; Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Тошкент, 2008. – 664 б.; Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлари. – Тошкент, 2001. – 32 б.; Ўша муаллиф. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2007. – 276 б.; Қиличев Т. Кўхна қаьлалар диёри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 80 б.; Malikov A. Religious practices Pilgrimage. Central Asia // Encyclopedia of Women and Islamic Cultures. Vol.5. Leiden-Boston: Brill, 2007, PP.325–326; Саттор М. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Адолат, 2004. – 177 б.

<sup>31</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.255; Абдурасулов А. Хива. Тарихий–этнографик очерклар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 144 б.; Қурбанова Д. Хоразм воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар маънавий маданияти. – Тошкент, 2015. – 212 б.

<sup>32</sup> Ходжаниязов Ғ., Жумабаев Ў. Қорақалпоғистонда муқаддас жойлар. (қорақалпоқ тилида). – Нукус, 1994. – 60 б.; Есберганава С. Почитание животных в культовой практике каракалпаков (конец XX – середина XX в.): Дисс.... канд. истор. наук. – Нукус, 2001. – 155 с.

<sup>33</sup> Зоҳидов П. Меъмор олами. – Тошкент, 1996. – 240 б.; Рейимбаев Ш. Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги архитектуравий ва тархий тизими: Архитектура фан. ном. дисс.... Тошкент, 2005. – 122

М. Мамбетуллаевлар ўз тадқиқотларида воҳа макбараларини археологик жиҳатдан ўрганганлар<sup>34</sup>.

Фольклоршунослар М. Жўраев ва Б. Саримсоқовлар воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган таквимий маросимлар (“Қизил гул” сайли, Наврўз байрами) ва авлиёлар билан боғлиқ ривоятлар, афсоналарни таҳлил қилганлар<sup>35</sup>. А. Аҳмедов воҳа авлиёлари ва зиёратгоҳларни тарихий жиҳатдан, янгича қараш асосида ўрганган<sup>36</sup>. Хоразм тарихини ўрганаётган маҳаллий тарихчилар асарларида мавзуга доир маълумотлар келтирилиб ўтилган<sup>37</sup>. Соҳа доирасида ўлкашунослар томонидан авлиёлар билан боғлиқ афсона ва ривоятлар мужассамлашган рисоалар чоп ҳам этилган<sup>38</sup>. Латифжон Баҳоуддин ўғли хоразмлик Саййид Одина Эшон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ маълумотлар билан бир қаторда, асарларига шарҳ ҳам бериб ўтган<sup>39</sup>.

Кейинги йилларда мавзу доирасида илмий асарлар билан бир қаторда, қизиқувчилар томонидан зиёратгоҳлар тўғрисида етарли манбаларга асосланмаган рисоалар ҳам чоп этила бошлади. Буларга Қамариддин Эшон Муҳаммад Карим ўғли ва Комилжон Дурди Қилич ўғли, Қ. Давлатов, О. Исмоилов ва Ҳ. Мадраҳимовлар томонидан яратилган рисоаларни киритиш мумкин<sup>40</sup>.

4. *Мавзу доирасидаги хорижий тадқиқотлар.* Хоразм зиёратгоҳлари масаласини хорижий адабиётларда ҳамда айрим нашрларда ҳам учратиш мумкин. МДҲ давлатлари олимлари томонидан мавзу доирасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, рус олимлари Н. Терлецкий, С. Абашин, Т. Саксонов ва А. Сызранов, Л. Потапов ва С. Червоннаялар асарларида мавзуга доир илмий

---

варақ; Раҳимов И., Худайберганов К. Ҳазрати Полвон пир. – Урганч: Хоразм, 1999. – 56 б.; Худайберганов К. Паҳлавон Маҳмуд ёдгорлигининг Хива хонлари тарихини ўрганишдаги ўрни (XVI – XX аср боши). Тарих фанлари номзоди дисс. – Нукус, 2003. – 121 варақ.

<sup>34</sup> Ҳакимниязов Х. Общественно–культурные и мемориальные сооружения Хорезма X–XV вв. (Историко–археологическое исследование): Дис... канд. истор. наук. – Самарканд, 1999. – 150 с.; Мамбетуллаев М., Юсупов Н., Хожаниязов Г., Матрасулов Ш. Хива по итогам исследований 1984 года // Вестник ККФ АН УзССР. – Нукус, 1985. – № 3. – С. 76–84; Мамбетуллаев М., Хожаниязов Г. Работы Хивинского отряда. Археологические открытия 1984 года. – М., 1986. – С. 463–464.

<sup>35</sup> Жўраев М., Назрикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент, 2006. – 184 б.; Жўраев М. Ипак йўли афсоналари (Жой номлар билан боғлиқ афсоналар). – Тошкент: Фан, 1993. – 128 б.; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – 216 б.

<sup>36</sup> Аҳмедов А. Шайх Ҳусайн Бобо. – Урганч: Хоразм, 2006. – 48 б.; Ҳазрати Шоҳпир. – Урганч: Хоразм, 2014. – Б.32; Ҳазрати Аваз Шайх Бобо. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 80 б.; Ҳазрати Қамбар Бобо. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 80 б.

<sup>37</sup> Машарипов Р. Мозий садолари ва сабоқлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 304 б.; Ражабов Ш., Нуржонов К. Остона кишлоғи: Шайх Мухтор Вали ҳақида тарих, бадиа, афсона ва ривоятлар. – Урганч, 1993. – 32 б.; Янгиариқ туман тарихи. Нуржонов К., Жуманиязова Н. – Урганч: 2011. – 198 б.; Нуржонов К. Журён тарихи. – Урганч: 2009. – 80 б.; Шоҳида Умаржон қизи. Менинг жонажон кишлоғим. – Урганч, 2005. – 32 б.; Нуржонов К. Нажмиддин Кубро туғилган кишлок. – Урганч: Хоразм, 2013. – Б.54–55; Қурбонбоев С. Питнак тарихи. – Урганч: Хоразм, 2001. – 34 б.

<sup>38</sup> Муҳаммад Ёқуб. Мозийдан сабоқлар. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – 72 б.; Қодир Карим ўғли. Исмомут ота. – Урганч: Мураббий, 1997. – 32 б.; Беканов Ў. Гурганж–муқаддас замин – Урганч: Хоразм, 1992. – 24 б.

<sup>39</sup> Латифжон Баҳоуддин ўғли. Хоразмлик маърифат соҳиби. – Тошкент: Зар қалам, 2003. – 64 б.; Ҳазрати Одина Эшон қиссаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 92 б.

<sup>40</sup> Қамариддин Эшон Муҳаммад Карим ўғли. Комилжон Дурди Қилич ўғли. Тазкиратул авлиё ёхуд Хоразм диёрида мадфун бўлган авлиёлар зикри. – Урганч: Хоразм, 1997. – 65 б.; Ҳамро Пирмуҳаммад. Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳи тарихи. – Урганч: Хоразм, 1992. – 100 б.; Исмоилов О. Имрат Бобо зиёратгоҳи ёхуд (Саййидлар шажараси). – Тошкент, 2010. – 84 б.; Мадраҳимов Ҳ. Эллиққаълалик кароматгўй. – Тошкент, 2007. – 72 б.; Ўша муаллиф. Эллиққаъла мўжизаси. – Ўш, 2009. – 228 б.

асосланган мулоҳазалар келтирилган<sup>41</sup>. Шунингдек, Д. Девиз, М. Эбади, П. Сартори ва Ш. Акинёр<sup>42</sup> илмий тадқиқотларида ҳам Хоразм зиёратгоҳлари ва урф-одат, маросимлар, авлиёлар култи билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар акс этган. Ю. Брегел томонидан Хоразм зиёратгоҳлари суратлари, картаси ва қисқа тарихи ёритилган библиографик маълумотнома нашр этилди<sup>43</sup>. Испаниялик А. Алонсо ва ўзбекистонлик К. Калонов совет иттифоқи парчаланганидан кейин Ўзбекистонда ислом динига, зиёратгоҳларга бўлган муносабат ва муқаддас жойлар билан боғлиқ маросимлар тўғрисида маълумотлар келтирилиб, уларни нуфузига кўра таснифлашни амалга оширганлар<sup>44</sup>.

Д. Кандиёти билан Н. Азимова ҳаммуаллифликда ёзган мақоласида ўзбек аёллари маросимлари ва зиёрат маданияти билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган<sup>45</sup>. Хоразмда тадқиқот олиб борган Австриялик К. Бодроги муқаддас жойлар билан боғлиқ иримлар, руҳий ва бошқа касалликларни даволашда авлиёлар култи ва зиёратгоҳларнинг аҳамияти, шомонлик, табиблар ва фолбинлар фаолиятини кузатиб, “кўз тегиш” мавзусига эътибор қаратган<sup>46</sup>.

Д. Абрамсон ва Э. Каримовлар тадқиқотларида замонавий Ўзбекистонда ислом дини, зиёратгоҳларга муносабат ва зиёрат тушунчалари ёритилган<sup>47</sup>.

Хулоса қилиб айганда, мавзуни ўрганиш тарихшунослигига кўра, ҳозиргача Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжоларини жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва зиёрат туризми жаҳатидан ўрганишга бағишланган, шунингдек экологик функциясини ёритувчи яхлит тарихий-этнологик тадқиқот мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Диссертациянинг **“Зиёратгоҳлар тавсифи ва таснифи”** деб номланган иккинчи бобида Хоразм воҳаси аҳолиси орасида зиёрат, зиёратгоҳлар ва

---

<sup>41</sup> Терлецкий Н. Знамя для моления (Символизм и функция туга в практике зийарата у народов Центральной Азии // Лавровский сборник (Л.Сб). – СПб.: МАЭ РАН, 2009. – С.112–117; К вопросу о типологии мест паломничества и поклонения Центральной Азии // Л.Сб. – СПб.: МАЭ РАН, 2009. – С.381–383; Абашин С. Ислам и культ святых в Средней Азии // Э.О.2001. – № 2. – С.128–131; Саксонов Т. Паломничество к святым местам: традиция и современность. – М.: Луч, 1991. – С. 56; Сызранов А. Мусульманские святые места как объект этнокультурного наследия Тюркских народов Нижнего Поволжья. Гуманитарные исследования. 2011. – № 4 (40). – С.38–44; Potapovs L.P. Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken aus den Jahren 1928 – 1930. Verlag. – Wiesbaden, 1995. – 248 p.; Червоная С. Современное исламское искусство народов России. – М.: Прогресс-Традиция, 2008. – 549 с.

<sup>42</sup> DeWeese D. Islam and the Legacy of Sovietology: A Review Essay on Yaacov Ro'i's Islam in the Soviet Union // Journal of Islamic Studies, vol.13 (3). 2002. – P.298-330; Ebadi M. Shrine Pilgrimage (Ziyarat) in Turco-Iranian Cultural Regions." International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage: Article 7. Volume 4/I 2016. – P.70–77; Sartori P. On Modern Khwarazm // Theme issue of the Journal of Persianate Studies. 8/2. 2016. – P.133–157; Akiner Sh. Islam in Post-Soviet Central Asia: - Central Asia and Islam. Hamburg: Deutsches Orient-Institut. 2002. – P. 73–102.

<sup>43</sup> Bregel Yu. Bibilbography of Islamic Central Asia. Compiled and edited by Yuri Bregel. Descriptions and Travel; Written Sources for Central Asian History; Ethnography; Folklore; Folk Entertainments; Physical Anthropology. – Bloomington, Indiana, 1995. Part I–III. – 110 p.

<sup>44</sup> Alonso A., Kalanov K. Sacred places and “Folk” Islam in Central Asia // Universidad CEU-San Pablo Institute for Humanities, CEU-San Pablo University, Madrid. UNISCI Discussion Papers., mayo, 2008. – №17 – P.173–185.;

<sup>45</sup> Kandiyoti D., Azimova N. The communal and the sacred: Women's worlds of ritual in Uzbekistan. Journal of the Royal Anthropological Institute. 2004. – №10. – P.327 – 349.

<sup>46</sup> Krisztina Kehl- Bodrogi. Religiöse Heilung und Heiler in Choresm, Usbekistan // Max Planck Institute for Social Anthropology working papers. Working Paper No. 73. Halle / Saale 2005. – 31 p; Who owns the shrine? Competing meanings and authorities at a pilgrimage site in Khorezm Central Asia Survey, 2006. 25(3), – P.235–250.

<sup>47</sup> Abramson D., Karimov E. ‘Sacred Sites, Profane Ideologies: Religious Pilgrimage and the Uzbek State’ // Sahadeo, Jeff, Russell Zanca (eds.) Everyday Life in Central Asia Past and Present. Bloomington: Indiana University Press, 2007. – P. 319–338.

қадамжолар тўғрисидаги тасаввурлар, уларнинг ўзига хослиги, меъморий тузилиши ва маҳаллий хусусиятлари ёритилди.

Ушбу бобнинг “Хоразм воҳаси аҳолиси орасида зиёрат, зиёратгоҳлар ва қадамжолар тўғрисидаги қарашлар” деб номланган биринчи параграфиди аҳолисининг зиёрат, зиёратгоҳлар ва қадамжолар тўғрисидаги тасаввурлари, “зиёрат”, “авлиё”, “зиёратгоҳ” ва “қадамжо” тушунчаларига изоҳ берилган.

Хоразмда *зиёрат амалиёти* қуйидаги ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган: 1) қабрни уч ёки етти марта айланиб, қабрни тавоф қилиб пешонасига суртиш; 2) азиз авлиёлар қабри биноти ичига кираверишдаги, эшик ёнида авлиё ва аждодлари руҳига Қуръон тиловат қилиш; 3) авлиё қабрига ва у билан боғлиқ дарахтларга қўл теккизиб, ундан кейин қўл билан юзни сийпалаш. 4) дарахтга, туғга ўз рўмолчаси ёки кийимидан бир бўлагини йиртиб, ният қилиб боғлаш (*алам боғламоқ*); 5) муқаддас қудуқ ва булоқлардан сув ичиш, шу орқали покланмоқ ёки касалликдан қутулиш мақсадида; 6) маросимий таомларни таёрлаш; 7) авлиёга атаб қурбонлик қилиш каби амалларни кузатишимиз мумкин<sup>48</sup>.

Зиёратгоҳлар шаклланишига кўра 2 хил бўлинади: 1. Табиий равишда мавжуд бўлган зиёратгоҳлар. Буларга тош, тоғлар, қудуқлар ва бошқалар киради. Хоразм ҳудудида табиий шароитлар таъсирида вужудга келган муқаддас жойлар жуда кам, борлари эса авлиёлар зиёратгоҳларининг бир қисми сифатида сақланиб қолган. 2. Авлиёлар макбаралари, яъни инсон меҳнати орқали вужудга келган муқаддас жойлар бўлиб, улар антропоген зиёратгоҳлар ҳисобланади.

Хоразм воҳасида муқаддас жойлар хоразмликлар тасаввурида қуйидагича таснифланади: а) Қуръонда номи зикр этилган пайғамбарлар билан боғлиқ; б) ислом дунёсида машҳур бўлган саҳобалар ва уларнинг издошлари билан боғлиқ; в) авлиёлар ва уларнинг кароматлари билан боғлиқ; г) шаҳидлар билан боғлиқ; д) чилтонлар билан боғлиқ; е) турли машҳур аёллар номлари билан боғлиқ; ж) турли касбларнинг ҳомий пирлари номлари билан боғлиқ; з) табиат кучлари билан боғлиқ қарашлар.

Хуллас, Хоразм воҳаси аҳолиси ўртасидаги муқаддас жойлар билан боғлиқ қарашларда исломдан аввалги диний эътиқодлар қолдиқлари сақланиб қолган бўлиб, бу зиёратгоҳлардаги мавжуд дарахт, булоқ ва жониворлар, шунингдек, воҳа аҳолисининг суғориш иншоотлари билан боғлиқ тасаввурларида намоён бўлган. Аксарият зиёратчилар зиёратдан асосий мақсади фақат ўша жойга дафн қилинган авлиё руҳига дуо ўқиш эмас, балки ўзининг кўнгил хотиржамлиги ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда авлиёдан ёрдам сўрашдир.

Иккинчи бобнинг “Воҳа зиёратгоҳларининг шаклланиши ва меъморий тузилиши” деб номланган иккинчи параграфиди Хоразм воҳаси зиёратгоҳларининг тарихий ривожланиши ва меъморий тузилиши ёритилган.

Хоразм зиёратгоҳлари, қабристонлар асосида вужудга келган бўлиб, вилоят бўйича уларнинг сони 500 га яқин. Маҳаллий аҳоли бу жойларни зиёрат объектига айлантирган<sup>49</sup>. Шунингдек, ҳудудда 35 та (республика тасарруфида 15 та, вилоят тасарруфида 20 та) *зиёратгоҳ* сифатида фаолият юритадиган муқаддас жойлар ҳам мавжуд.

<sup>48</sup> Дала ёзувлари. Янгиариқ тумани Шайх Муҳтор Валий зиёратгоҳи. 2017 йил.

<sup>49</sup> Хоразм вилоят ободонлаштириш бошқармаси маълумотлари (2017 йил).

Воҳа зиёратгоҳлари пайдо бўлиш даврийлиги ва қурилиш услуби жиҳатидан VIII асрга, XII–XIV асрларга, XV–XVIII асрларга, XIX – XX асрларга мансуб зиёратгоҳларга бўлинган.

Хоразм меъморчилигига минтақадаги иқлим шароитининг таъсири катта. Чунки воҳада ёз жуда иссиқ, қиш эса совуқ бўлади. Меъморчиликда, асосан, маҳаллий қурилиш материалларидан - *пахса, хом гишт, синч (нигирик)*, кичик ҳажмдаги пишган ғиштдан фойдаланишади. Безашда сопол кошнлар ва ганчкорлик бошқа ҳудудларга нисбатан камроқ ишлатилган, аммо мақбара эшиклари ва устунларида ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган. Хоразмда муқаддас жойларга “*мозор*” ибораси ишлатилмайди. Чунки бу *қабр* маъносини англатади. Шу сабабли “*авлиё*” термини қўлланилиб, халқ орасида *қабристон* ёки *мозор* эмас, балки “*авлиё бобо*” деб юритилади. Воҳа мақбаралари географик ҳудуд, иқлим, исломий урф-одатлар асосида қурилган. Гумбазлари бир қаватли, пештоқлар ечими, ички ва ташқи безаклари соддалиги билан, шунингдек бошқа ҳудуд мақбараларидан гўрхонларини ер остига туширилмаганлиги билан фарқланади. Меъморий ёдгорликнинг асоси бўлган *Зиёратгоҳлар - қабристон, мақбара, дахма, хазира (оилавий қабрлар)* каби жойларни ўз ичига олади<sup>50</sup>. Авлиёнинг даражасига қараб зиёратгоҳлар архитектура жиҳатидан катталашиб борган ва *мажмуа*<sup>51</sup> (комплекс мачит, баъзиларида минора, хонақодан ташкил топган) сифатида қурилган.

Хуллас, воҳадаги муқаддас жойларнинг пайдо бўлишига маҳаллий халқнинг дунёқараши ҳамда географик муҳит ўз таъсирини ўтказиб турган. Зиёратгоҳларнинг меъморий ёдгорликларда мавжудлиги ва маҳаллий аҳоли томонидан азиз авлиёлар яшаб ўтган жой сифатида қарашлари, шунингдек, босқинчиларнинг муқаддас жойларни вайрон қилишдан қўрқиши, уларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлган. Меъморий обидаларнинг кўпчилиги ёғингарчилик ва қаровсизликдан бузилган. Шу сабабли уларни асраш, меъморий тузилишини ва тарихини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Иккинчи бобнинг “*Хоразм воҳаси зиёратгоҳ ва қадамжолари таснифи, маҳаллий хусусиятлари*” деб номланган учинчи параграфида Хоразм воҳаси зиёратгоҳларини таснифлаш, экологик ва ижтимоий-иқтисодий, маҳаллий хусусиятлари ёритилган.

Тадқиқот жараёнида воҳадаги зиёратгоҳларни таснифлашда шартли равишда қуйидаги тартибга амал қилинди: 1) пайдо бўлиш белгисига; 2) аҳоли орасидаги нуфузи ва географик жойлашишига; 3) ўзига хос функцияларига (*даволовчи, табиат кучлари, экологик, иқтисодий*) кўра; 4) касб-ҳунар пирлари зиёратгоҳлари.

*Зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиш белгисига кўра.* Хоразм воҳасида муқаддас жойлар билан боғлиқ қарашлар асрлар давомида шаклланган бўлиб, уларни шартли равишда қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин: 1) Куръонда зикр этилган пайғамбарлар билан боғлиқ; 2) Ҳазрати Али ва унинг авлодлари билан боғлиқ; 3) саҳобалар, тобеъинлар билан боғлиқ; 4) маҳаллий авлиёлар билан боғлиқ; 5) дин уламолари билан боғлиқ; 6) аёллар билан боғлиқ; 7) шаҳидлар номи билан боғлиқ; 8) тасаввуф тариқати пирлари ва уларнинг авлодлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар.

<sup>50</sup> Рейимбаев Ш. Хоразм шаҳарларининг... – Б. 97-99.

<sup>51</sup> *Мажмуа* – режа асосда ўзаро мутаносиб қурилган бинолар. Зоҳидов П. Меъмор олами... – Б.36.

*Зиёратгоҳларни аҳоли ўртасидаги нуфузига қараб* Республика, вилоят, туман ва маҳалла ёки қишлоқ миқёсидаги зиёратгоҳлар тарзида тасниф этиш мумкин. Шунингдек, зиёратгоҳлар ўзига хос функцияларига кўра: *даволовчи, табиат кучлари, экологик, иқтисодий* жиҳатларга эга бўлган зиёратгоҳларга бўлинади.

*Касалликларни даволовчи зиёратгоҳлар.* Кўпчилик зиёратчилар авлиёларни воситачи ва ҳомий, одамларни худо олдида ёқловчи деб тасаввур қиладилар. Айниқса, муқаддас жойлар касалманд кишиларнинг охириги умиди бўлиб, улар авлиёлардан даво истаб борадилар. Бу қарашлар бугунги кунгача сақланиб қолмоқда. Ҳозирги кунда тиббиёт жуда ривожланган бўлса-да, аҳолининг баъзи қисми авлиёлардан мадад излашда давом этмоқда.

*Фарзандсизликни даволовчи зиёратгоҳлар.* Муқаддас жойлар ҳамisha фарзандсиз аёлларни ўзига жалб қилиб келган, чунки бу ерлар улар учун фарзандли бўлишда охириги умид бўлган. Бу барча зиёратгоҳларга хос бўлган хусусиятдир.

*Руҳий касалликни даволовчи зиёратгоҳлар.* Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳи, асосан, Хоразм воҳасида руҳий касалликлар учун ўзига хос муқаддас “маскани” саналган. Руҳий касаллар Юсуф Ҳамадонийдан ташқари Гулли биби, Муаз ибн Жабаль (Гурлан), Исмоил Эшон (Хива), Султон Увайс ва Кечирмас ота зиёратгоҳларига ҳам олиб борилган. Қорқалпоғистоннинг Беруний туманидаги Кечирмас ота зиёратгоҳида чиллаҳона бўлиб, руҳий касалликка чалинганлар меҳнат тарбияси орқали даволанадилар.

*Зиёратгоҳларнинг экологик функцияси.* Зиёратгоҳларда ўтказиладиган зиёрат маросимларида одамларда жонли табиат, атроф-муҳит, дов-дарахтлар, ҳайвонот олами ва умуман, жонли табиатда ажодлар хоки, руҳи ҳамда култи мужассам бўлганлигига ишончни уйғотган. Шу сабабли аҳоли ўртасида зиёратгоҳ билан боғлиқ бўлган дарахт, қудуқ ва ўсимликлар муқаддас саналиб, уларга зарар етказган инсонга зиён етади деган қарашлар мавжуд. Ҳатто, зиёратгоҳдаги қуриган дарахтни ҳам ҳеч ким чопишга журъат қила олмаган. Бу қарашлар ёшлар онгида қабристонлардаги дарахт ва ўсимликларга зарар етказишдан вафот этганларининг “руҳлар”и олдидаги кўрқув ҳисси табиатни асраш ва ҳимоя қилишга бўлган интилишни кучайтиради.

*Зиёратгоҳларнинг иқтисодий ҳаётдаги ўрни.* Бугунги кунда зиёратгоҳларнинг аҳоли фаровонлигини оширишда ва давлатнинг иқтисодий ривожланишида маълум маънода ўрни бор. Чунки бугунги кунда зиёратгоҳлар аҳоли томонидан энг кўп ташриф буюриладиган ва салмоқли миқдорда пул маблағлари айланадиган, даромадли жойлардан бири ҳисобланади.

*Зиёрат туризми.* Кейинги йилларда Ўзбекистонда муқаддас жойлардан фойдаланган ҳолда *зиёрат туризми* соҳасини ривожлантириш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хоразм воҳасида бу соҳани ривожлантириш учун бой имкониятлар билан бир қаторда, муаммолар ҳам мавжуд. Зиёрат маршрутлари аниқ тузилмаган, зиёратгоҳларга борадиган йўллар талаб даражасида эмас, шунингдек обидаларнинг кўпчилиги таъмирталаб. Энг асосийси, зиёратгоҳлар тўғрисида маълумотлар етарли эмас. Бинобарин, бу муаммоларни ҳал қилиш орқали бундай муқаддас жойларни нафақат республика, ҳатто халқаро даражадаги зиёрат туризми объектларига айлантириш мумкин.

*Қасб-ҳунар тирлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар.* Аждодлар руҳини шод қилиш ва уларни ўз ишларининг ривожига ҳомийлик қилиши тўғрисидаги қарашлар ислом дини таъсирида мусулмон авлиёларининг вазифасига кўчиш билан ўзининг ҳомийлик аҳамиятини сақлаб қолди. Шу боис ҳар бир ҳунар эгаси ўз ҳомийсининг қабрини зиёрат қилиши билан боғлиқ қарашларда аждодлар культига бўлган эътиқод шакли яшаб келмоқда. Довуд пайғамбар – темирчилик пири, Ҳазрат Али – ғассоллар пири, Жўмард – қасобблар пири.

*Хоразм воҳаси зиёратгоҳларининг маҳаллий ўзига хослиги:*

1. Асосан чўл зонаси ҳисобланган Хоразм учун сув – муқаддас саналганлиги сабабли Амударё култи билан боғлиқ зиёратгоҳлар кенг тарқалган. Воҳа аҳолиси деҳқончилиги сунъий суғориш тизимига асосланган, шу сабабли Хоразм авлиёлари каналларга ҳомийлик қилиши билан бошқа ҳудудлардан ажралиб турган (*Полвон канали, Тошсоқа канали, Оқён*).

2. Хоразм воҳасида исломгача мавжуд бўлган табиат кучлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар ислом дини кириб келгач, ўз аҳамиятини йўқотган ва ўрнини ислом оламининг авлиёларига бўшатиб бериб, авлиё мақбарасининг бир элементи сифатида сақланиб қолган (*Полвон ота қудуғи, Шоҳимардон қудуғи, Султон Увайс қудуғи, Шайх Муҳтор Валий чилла тугти, Исмомут ота “Авлиё гужум”*).

3. Воҳа ҳудудидаги зиёратгоҳларда Пайғамбарлар ва уларнинг саҳобалари билан боғлиқ атрибутлар (муқаддас китоб, мўйи муборак), шунингдек, Ҳазрати Хизр билан боғлиқ қарашлар учрамайди.

4. Хоразм зиёратгоҳлари туғларининг учлари очилмаган ғунча шаклида бўлиб, бошқа ҳудудлардаги каби беш панжа шакли учрамайди.

5. Воҳадаги аксарият зиёратгоҳлар ва авлиёлар мақбаралари бошқа ҳудудлардан фарқли равишда қабристонларнинг ичида жойлашган.

Диссертациянинг **“Зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимларнинг анъанавий ва замонавий жиҳатлари”** деб номланган учинчи бобида воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимлар, уларнинг анъанавий ва замонавий жиҳатлари, ўзбек халқининг маънавий ҳаёти ҳамда миллий менталитетида зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимларининг тутган ўрни ёритилган.

Ушбу бобнинг *“Зиёрат маросимларининг тарихий, диний ва маънавий асослари ҳамда маҳаллий хусусиятлари”* деб номланган биринчи параграфида зиёрат маросимларининг тарихий, диний ва маънавий асослари ҳамда маҳаллий хусусиятлари таҳлил қилинган.

Зиёрат маросимлари мазмун-моҳиятига кўра *диний мазмунга* ва *диний мазмунга эга бўлмаган* маросимларга бўлинади.

*Диний мазмунга эга бўлган урф-одат ва маросимлар.* Зиёратгоҳларда *чилла сақлаш, зикр (жаар, жаҳр) айтиш, мавлуд ўқиш, дарवेशона* ва *қурбонлик қилиш* сингари маросимлар бажарилган.

*Динга хос бўлмаган урф-одат ва маросимлар.* Зиёратгоҳларда динга хос бўлмаган урф-одат ва маросимларга *чироқ ёқиш, ис чиқариш, мавсумий-тақвимий маросимлар* ва *сайиллар* киради.

*Зиёратгоҳлардаги маросимий таомлар.* Хоразм воҳаси зиёратгоҳларида асосан *қурбонлик, дарवेशона* ва садақа маросимларида ритуал таом–*қорма (шавла)*,

Бухорода–*халиса ёки ҳалим*<sup>52</sup>, Тошкент ва Фарғона водийсида–*ҳалим*, Қашқадарёда *ийрва, тўғрама*, дарвешонада–*гуруч ош* тайёрланади<sup>53</sup>.

Хоразм воҳасида *ис чиқариши* маросимида *бўғирсоқ, пўссиқ (қатлама)*, Сурхондарёда *чўзма, чалтак, ис*, Фарғона водийсида *ўйма*<sup>54</sup>, Тошкентда *ҳолвайтар* ёки *қатлама* таёрланади<sup>55</sup>. Шунингдек, зиёратгоҳларга келган зиёратчилар имконият даражасида *бўғирсоқ, қатлама*, Наврўз байрами кунлари *сумалак* сингари таомлар тайёрлашган.

*Аёллар иштирокида ўтказиладиган маросимлар*. Халқ орасида бу каби маросимлар диний (кўпинча исломий) дея талқин этилади. Шулар жумласидан “*Мавлуд*”, “*Ашурлик*” ва “*Биби Мушкулкушод*”ни келтириб ўтиш мумкин. Бугунги кунда фақат *Мавлуд* маросими ўтказилади.

*Зиёратгоҳлар билан боғлиқ атрибутлар*. Зиёратгоҳларда учрайдиган энг муҳим атрибутлар қаторига *сағаналар*, уларга ўралган *мато, туғ ва алам, муқаддас шох, меҳроб ва шамчироқлар* киради.

*Муқаддас туғлар*. Муқаддас жойлардаги туғлар, одатда бу жойга авлиё дафн этилганлигини англатувчи рамз бўлган. Шунингдек, Хоразмда сайиллар ва байрамлар бошланишидан олдин зиёратгоҳлардаги эски туғ туширилиб, янги туғ кўтарилган, бу эса байрам бошланишининг белгиси ҳисобланган. Воҳадаги металлдан ишланган туғларнинг учлари очилмаган гул шаклида бўлади. Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанд зиёратгоҳларида *беи панжа* шакли кенг тарқалган.

*Муқаддас буюмлар*. Муқаддас жойлардаги эшик ва занжирлар ҳам зиёратчиларнинг зиёрат объектларидан бири бўлган. Кўҳна Урганчдаги Нажмиддин Кубро зиёратгоҳида эшикни тавоф қилиб юзларига суртганлар ва аҳоли мақбара тепасида осилиб турган занжирга илоҳий кучга эга деб қараган. Муқаддас жойлардаги дарахтларга мато бўлаги боғлаш зиёратчи билан муқаддас жой ўртасидаги рамзий боғланишнинг белгиси бўлиб, бу орқали у ўз орзу ва истагини ифода этган. Хоразмдаги зиёратгоҳларнинг кўпчилигида бу одат мавжуд.

*Зиёрат кунлари*. Хоразм воҳасида муқаддас жойларга асосан чоршанба, *пайшанба* ва *жума* кунлари борилади. *Сеишанба* куни Урганч шаҳри ва Бухоро<sup>56</sup> аёллари, Тошкент ва Фарғона водийси аёллари *чоршанба* куни Мушкулкушод маросимини ўтказади. Айнан ҳафтанинг шу кунлари зиёратгоҳларда ўтказилувчи урф-одат ва маросимлар воҳа аҳолиси ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга.

*Хулоса* қилиб айтганда зиёратгоҳлардаги маросимларни кузатиш жараёнида шунга амин бўлдикки, уларда исломгача бўлган қарашлар ҳамон сақланиб қолган ва у исломий анъаналар билан аралашиб синкретик тарзда намоён бўлмоқда. Биз буларни зиёратгоҳларда *чироқ ёқиши, ис чиқариши, дарахтларга мато бўлаги боғлаши* ва *қурбонлик қилиши* маросимларида кўришимиз мумкин. Шунингдек, диний маросим ҳисобланган *Мавлуд*нинг воҳа аёллари ўртасида нуфузи ортиб бормоқда.

<sup>52</sup> Қурбонова М. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари ( XIX охири – XX аср бошлари): Тарих фан.ном.дисс.... –Тошкент, 1994. – Б.103.

<sup>53</sup> Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... – Б.132.

<sup>54</sup> Файзуллаева М. Сурхон воҳаси аҳолиси таомлари билан боғлиқ анъана ва маросимлар. Тарих фан.ном.дисс... – Тошкент, 2010. – Б.23.

<sup>55</sup> Зунунова Г. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций (XX – начало XXI в.). – Ташкент: Extremium-press, 2013. – С.255.

<sup>56</sup> Қурбонова М. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожиклари... – Б.109

Энг асосийси, маросимларнинг асосий ташкилотчиси ва иштирокчиси саналган хоразмлик аёлларнинг динга бўлган қизиқишлари ортиб, уларнинг аксарияти диний маросимда фаол иштирок этишга, бу борадаги билимларини бойитишга ҳаракат қиладилар.

Учинчи бобнинг *“Табиат, хўжалик тақвимлари билан боғлиқ зиёрат маросимлари”* деб номланган иккинчи параграфида табиат, хўжалик тақвимлари билан боғлиқ тарзда зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимлар таҳлил қилинган. Йил фасллари билан боғлиқ тақвимга алоқадор байрамларнинг катта қисми халқ сайли кўринишида нишонланиб, асосан баҳор, ёз ҳамда куз фаслларида ўтказилади. Уларга Наврўз, “Қизил гул сайли”, “Тут сайли” ва сентябрда ўтказиладиган “Ҳосил байрами” киради. Хоразм воҳасининг аксарият зиёратгоҳлари анъанавий байрамлар вақтида сайилгоҳ вазифасини ҳам ўтаган, чунки аҳоли учун бу жойлар йиғилиб мулоқот қилиш, маълумот аламашиш жойи саналган. Сайиллар, асосан, Саййид Мохрўйи Жаҳон (Хива), Юсуф Ҳамадоний (Шовот), Шайх Мухтор Валий (Янгиарик), Исмомут ота (Тахта), Шайх Ҳусайн бобо (Ҳазорасп) зиёратгоҳлари ва Ирдимизон (Хива)даги қабристонларда ўтказилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, зиёратгоҳларда ўтказиладиган тақвимий маросимлар узоқ тарихий давр мобайнида шаклланиб, географик муҳит, аҳолининг кундалик ҳаёт тарзи, ижтимоий муносабатлари, анъанавий маданияти ва бошқа қатор омиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Мазкур маросимларда исломий ва исломгача бўлган тасаввурлар ўзаро уйғунлашиб, мазмуни категориал муносабатда барқарор табиатга эга бўлган маросимий дунёқараш симбиозини ташкил қилган.

Учинчи бобнинг *“Ўзбек халқининг маънавий ҳаёти ва миллий менталитетида зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимларининг тутган ўрни”* параграфида ўзбек халқининг маънавий ҳаёти ва миллий менталитетида зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимларининг тутган ўрни, зиёрат одоби билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган.

*Зиёрат одоби.* Қадамжоларни зиёрат қилишнинг ҳам ўзига хос этикети—одоб-ахлоқ нормалари мавжуд. Яъни қабрни зиёрат қилиш вақтида ундан орқасини ўгириб чиқмаслик, ичкарига кираётганда ўнг оёқ билан қадам босиб кириш ва ўтганлар руҳига бағишлаб дуойи фотиҳа тортиш, зиёратдан сўнг орқасига ўгирилмасдан чиқиш керак. Шунингдек, мозорларга қараб туфлаш ёки ёмон сўз айтиш, айниқса у ерларда “ёзилмоқлик” катта гуноҳ деб қаралган. Кимки, бу ахлоқ меъёрларига амал қилмаса, мозорнинг ўзи жазолаши ҳақида аҳоли ўртасида қадимги қарашлар мавжуд бўлиб, тез орада зиён топишига одамлар ишонганлар.

*Зиёратгоҳлардаги кийинчи эстетикаси.* Зиёратгоҳларга келаётган ҳар бир зиёратчи дастлаб ўзининг устки кийим-бошига эътибор берган. Аввало, бу бош кийими билан боғлиқ бўлиб, аёллар учун рўмол, эркаклар учун асосан дўппи бош кийими бўлиб хизмат қилган. Хоразм аҳолиси ўртасида ҳам бош кийимсиз, зиёрат учун боришга хос бўлмаган кийимлар кийиб, асосан очик-сочик бўлиб зиёратга бориш муқаддас жойларга нисбатан ҳурматсизлик белгиси сифатида қаралади.

*Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг халқнинг дунёқарашига таъсирини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:*

– Маълум бир қадамжо ва зиёратгоҳнинг табиатан мавжуд бўлган ўзига хос, лекин халқнинг тасавурида илоҳийлик касб этган хусусиятлари воситасида дунёқарашга таъсир кўрсатиши мумкин.

– Кейинги йилларда зиёратгоҳга ташриф буюрувчиларнинг кўпайиши, *мавлуд, дарвешона, қурбонлик* маросимларининг тез-тез ўтказилиши маиший ва шахсий муаммоларга зиёратгоҳларда бажариладиган анъаналар, иримлар, маросимлар воситасида таъсир кўрсатиш орқали амалга ошириш, нафақат аҳолининг иқтисодий аҳволи яхшиланганидан, балки диний маросимлар ўтказилишига бўлган муносабат ва қизиқишини ҳам кўрсатади. Бу эса жамиятда диний эътиқодларга муносабатни белгилайди.

– Тадқиқот шуни кўрсатдики, воҳа аҳолисининг асосий қисми зиёратгоҳларга бориб туради, аммо улар ўзларининг диний билимлари ва зиёратгоҳлар тўғрисидаги маълумотларидан қоникмайди. Демак, воҳа аҳолиси ўртасида диний қадриятлар ва зиёратгоҳлар тўғрисидаги маълумотларни кенгрок ёритиш ва бу борада тадқиқотларни кучайтириш зарур.

Хуллас, зиёратгоҳ ва қадамжоларни зиёрат қилиш, авлиёларга эътиқод қилиш одамларни харом-хариш йўллардан узоқ юришга, инсофли, диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш каби хайрли ишларга чорловчи маскан вазифасини ҳам ўтайди.

## ХУЛОСА

Зиёратгоҳлар ҳамиша халқнинг ўзлигини акс эттириб, орзу-умидларини ўзида мужассамлаштирган. Улар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган афсона ва ривоятларда ўз аксини топган. Шунингдек, бугунги кунда йўқолиб кетаётган урф-одатлар ва маросимлар зиёратгоҳларда, замонавий анъаналарни ўзида мужассамлаштирган ҳолда янгича кўринишда намоён бўлмоқда. Муқаддас жойлар инсонлар учун нафақат аجدодлар руҳига бўлган эътиқод, балки руҳий таскин топиш, авлиёдан мадад олиш ва касаллигига даво излаш каби мақсадларни ўзида мужассамлаштирган ўзаро мулоқот марказига айланган. Шу сабабдан бугунги кунда улар этнографлар, фольклоршунос, руҳшунос, социолог ва тиббиёт ходимлари учун тадқиқот марказига айланмоқда.

Диссертация натижалари ва илмий таҳлиллар асосида қуйидаги **хулосаларга** келинди:

–Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва маросимлар тарихи турли ёзма манбаларда ва тарихшуносликка оид тадқиқотларда ўз аксини топган, аммо бугунги кунгача зиёратгоҳларнинг жамият иқтисодий ҳаётидаги ўрни, зиёрат туризми масаласини ёритувчи комплекс тадқиқотлар бажарилмаган;

–минтақа аҳоли орасидаги қадамжо ва зиёратгоҳлар тўғрисидаги тасаввурлар қадимдан шаклланиб келган ва уларнинг пайдо бўлиши тўғрисида турлича қарашлар юзага келган;

–воҳа зиёратгоҳлари жамият иқтисодий ҳаётида сезиларли ўрин эгаллаб, давлат иқтисодий ривожланишида ўзига хос аҳамият касб этмоқда;

–экологик муаммолар умумбашарий аҳамиятга эга бўлган тарихий бир даврда Хоразм зиёратгоҳлари ўзига хос экологик кўриқхона вазифасини бажармоқда;

–минтақада бошқа ҳудудлардаги каби тасаввуф тариқати намояндалари қадамжолари ва зиёратгоҳлари кенг тарқалган;

–воҳада Пайғамбарлар ва унинг саҳобалари билан боғлиқ атрибутлар (мўйи муборак, муқаддас китоблар), шунингдек, Ҳазрати Хизр билан боғлиқ қарашлар учрамайди;

–асосий қисми чўл зонасидан иборат бўлган воҳада, асосан, сув ва Амударё култи билан боғлиқ зиёратгоҳлар кенг тарқалган. Хоразм деҳқончилиги сунъий суғориш тизимига асосланган бўлиб, воҳада бу тизим илоҳийлаштирилган;

–воҳа мақбараларининг меъморий тузилиши табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда фарқланади ва меъморий ечимларида ёғоч ўймакорлиги устунлик қилган ҳолда атрибутларида очилмаган ғунча шакли ишлатилади;

–зиёратгоҳ ва қадамжоларда ўтказиладиган маросимларнинг хилма-хиллиги эса, улар нафақат ислом дини таъсирида, балки исломгача бўлган эътиқодлар таъсирида ҳам юзага келган, деган хулосаларга олиб келади.

**Тадқиқот натижалари қуйидаги назарий, методологик, амалий ҳамда концептуал аҳамиятга эга таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди:**

– диссертация материаллари ва хулосаларидан Ўзбекистон этнологияси бўйича фундаментал тадқиқотларда, шунингдек, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар ҳамда веб-сайтларни яратишда фойдаланиш мумкин;

– Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари тарихи, меъморий тузилишини ёритувчи илмий асосланган “Хоразм воҳаси қадамжо ва зиёратгоҳлари”, урф-одат ва маросимларини ўзида мужассамлаштирган “Хоразм воҳаси қадамжо ва зиёратгоҳлари билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар: ўтмиш ва ҳозирги замон” рукнларида рисолалар нашр этиш зарур. Чунки бундай тадқиқотларнинг амалга оширилиши, бир томондан, минтақа ўзбеклари этномаданияти нечоғлиқ узок тарихга эга эканлиги ва ранг-баранглигидан далолат берса, бошқа жихатдан минтақадаги ислом динининг ўзига хослигини, урф-одат ва маросимлар трансформациясини кенг жамоатчиликка етказишда муҳим манбавий асос бўлиб хизмат қилади;

– Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилган зиёрат туризмини Хоразмда ривожлантириш мақсадида, келаётган сайёҳлар учун зиёратгоҳлар тўғрисида маълумотномалар тайёрлаш, зиёрат маршрутлари ишлаб чиқиш, зиёратгоҳларга борадиган йўлларни ва таъмирталаб обидаларни таъмирлаш ҳамда бу борада зиёратчилар талабини махсус социологик сўровномалар асосида ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

–замонавий дунё ҳамжамиятида экологик муаммолар умумбашарий аҳамият касб этган бир даврда ўзбек халқининг табиатдан оқилона фойдаланишга йўналтирилган зиёратгоҳларини кенгроқ ўрганиш ва ёритиш, улардаги табиат кучлари билан боғлиқ анъана ва маросимларни чуқурроқ ўрганиш зарур. Шунингдек, воҳадаги табиат кучлари билан боғлиқ муқаддас жойлар, қудуқлар, минерал сувлар ва туз конлари тўғрисида маълумот бериш, уларнинг моҳиятини кенг оммага етказиш долзарб вазифалардандир.

–тадқиқотлар шуни исботламоқдаки, кейинги йилларда зиёратгоҳлар ва маросимлар маҳаллий аҳоли орасида ўзига хос ўринга эга бўлиб, улар умуммиллий ва ижтимоий масала тусини олмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда аҳоли ўртасида зиёрат маданияти ва одоби тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш ва бу ишларни кенг кўламда олиб бориш зарур.

Хуллас, Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва улар билан боғлиқ маросимларнинг этнолокал хусусиятларини илмий асосда ўрганиш ўзбек халқи моддий маданияти, маънавий ҳаёти ва турмуш тарзини тадқиқ этишда муҳим манба сифатида Ўзбекистон этнологиясидаги маълум бўшлиқни тўлдиради. Шунингдек, воҳа зиёратгоҳлари ва урф-одатлари тарихини манбалар асосида чуқур ўрганилиши ўзбек халқи миллий-маданий меросини асраш, қайта тиклаш ва уни келажак авлодга етказиш, ўзликни теран англаш, миллий ғурур, ифтихор ва миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини кучайтиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06.01.2018. Tar.56.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ  
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**АБИДОВА ЗАЙНАБ КАДИРБЕРГАНОВНА**

**МЕСТА ПАЛОМНИЧЕСТВА И ПОКЛОНЕНИЯ ХОРЕЗМСКОГО  
ОАЗИСА**

**(историко-этнологическое исследование)**

**07.00.07 – Этнография, этнология и антропология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема докторской диссертации (PhD) по историческим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией Республики Узбекистан при Кабинете Министров под номером № В.2017.3.PhD/Tar186**

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

**Научный руководитель:**

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
доктор исторических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Баллиева Руза**  
доктор исторических наук, профессор  
**Абдулахатов Нодирбек Ураимович**  
кандидат исторических наук

**Ведущая организация:**

Ташкентский государственный институт востоковедения

Защита диссертации состоится **2 ноября** 2018 г. в **14.00** часов на заседании Научного совета DSc. 06.01.2018.Tar.56.01. по присуждению ученых степеней при Институте истории АН Республики Узбекистан (Адрес: 100060, город Ташкент, улица Шахрисабзская, 5. Институт истории АН РУз. 2-й, этаж. Зал заседаний. Тел.: (998) 71233-54-70; факс: (998) 71233-73-19; e-mail: [info@uzhistory.uz](mailto:info@uzhistory.uz). Институт истории АН РУз).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100170, город Ташкент, улица Зиёлилар, 13). Тел.: (998) 71262-74-58; факс: (998) 71262-34-41.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.

(реестр Протокола рассылки № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.)

**А.С. Сагдуллаев**

Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней  
д.и.н., профессор, академик

**М. Х. Пайзиева**

Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
к.и.н.

**С.С.Агзамходжаев**

Председатель научного семинара  
при Научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
д.и.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В последней четверти XX – начале XXI в., когда идеологическая и информационная борьба в мире достигла своего апогея, особую актуальность приобретают научные изыскания в сфере сохранения культурного наследия народов разных регионов мира. Именно поэтому в современной этнологии серьезное внимание уделяется изучению не всех процессов в жизни общества, а локальных национальной культуры, исходя из уникальных особенностей этноса и его культуры.

Сегодня в мировой науке усилился интерес к изучению мест поклонения и паломничества, так как святые места во все времена считались неотъемлемой частью повседневной жизни человека. Данный факт стимулирует этнологов мира к проведению специальных изысканий, в которых анализ обрядов и обычаев, связанных со святыми местами поклонения разных историческо-этнографических ареалов, включая научное обоснование их местных особенностей, позволит создать научную основу для развития паломнического туризма, связанные с местами паломничества в различных регионах мира, признавая их в качестве своеобразных этноэкологических заповедников.

Подчеркивая важность развития паломнического туризма в Узбекистане, Президент Ш. М. Мирзиёев отметил следующее: «Узбекистан - страна привлекательная как для путешествий, так и для паломничества. На нашей священной земле обрели вечный покой известные всему миру выдающиеся ученые и мыслители. Их богатое духовно-культурное наследие по-прежнему вызывает огромный интерес во всем мире»<sup>57</sup>. В Узбекистане ныне осуществляется множество прикладных исследований, посвященных древней истории узбекского народа и возрождению его культурного наследия, а также в целях представления их мировой общественности. Особое место в данной сфере среди других историко-этнографических регионов нашей страны занимает Хорезмский оазис, как «этнографический заповедник» со своей насыщенной древней историей, неповторимой культурой и священными местами паломничества узбекского народа. В этнологии Узбекистана изучение святых мест в качестве объекта культурного наследия и феномена народной культуры позволит собрать сведения относительно их природно-географических, этнических, экологических и социально-экономических функций. Именно поэтому в наши дни весьма актуально историко-этнологическое изучение мест поклонения Хорезмского оазиса, в которых нашли воплощение история наших предков и современные традиции. Назрели и необходимость комплексного изучения воззрений, научных трактовок о местах паломничества и поклонения, в том числе об обрядах, проводимых в местах паломничества такими смежными науками как этнология, история, религиоведение и социология.

---

<sup>57</sup> См.: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев. Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш масалалари ҳақида // Халқ сўзи. 2017 йил 4 октябрь, 199 (6893) –сон. – Б.1.

Данное историческое исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении Государственной программы по охране объектов нематериального культурного наследия, сохранению, пропаганде и их использованию в 2010–2020 годы»<sup>58</sup>, «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию охраны и использования объектов материального, культурного и археологического наследия»<sup>59</sup>, «Об эффективной организации работ по благоустройству священных мест поклонения, паломничества, мечетей и кладбищ»<sup>60</sup>, в Постановлении Президента Республики Узбекистан «О программе комплексного развития туристического потенциала города Хивы и Хорезмской области на 2017–2021 годы», Распоряжении Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании охраны и использования объектов материального, культурного и археологического наследия»<sup>61</sup> и в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках задач приоритетных направлений развития науки и технологий республики 1. «Фундаментальные исследования духовных ценностей, национальной идеи, культурного наследия, истории узбекского народа и государственности».

**Степень изученности проблемы.** Источники и научная литература по теме диссертационного исследования, посвященного историко-этнологическому изучению священных мест поклонения и паломничества Хорезмского оазиса, подразделены на следующие четыре группы:

1) *исследования ученых Российской империи и некоторых европейских стран второй половины XIX – начала XX в.:* в рамках изученной темы весьма примечательны размышления в трудах Л. Костенко, востоковедов А. Калмыков, М. Иванина, А. Куна, библиографа В. Межова, академика В. Бартольда и К. Залемана;

2) *исследование ученых советского периода:* Проблемы мест паломничества в историографии советского периода изучены такими известными учёными как С. Толстов, М. Сазонова, А. Якубовский, Я. Гулямов, Л. Маньковская, В. Булатова, И. Ноткин, Ю. Стеблюк, Е. Неразик, В. Пилявский, Б. Засипкин, Г. Пугаченкова, Л. Ремпель,

<sup>58</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №222 от 7 октября 2010 г. «Об утверждении Государственной программы по охране объектов нематериального культурного наследия, сохранению, пропаганде и их использованию в 2010–2020 годы». // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>59</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №200 от 21 июля 2014 г. «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию охраны и использования объектов материального, культурного и археологического наследия». // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>60</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №120 от 15 февраля 2018 г. «Об эффективной организации работ по благоустройству священных мест поклонения, паломничества, мечетей и кладбищ» // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>61</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан от 4 мая 2017. «О программе комплексного развития туристического потенциала города Хивы и Хорезмской области на 2017–2021 годы», а также Распоряжение №Р-5181 от 16 мая 2018 г. «О совершенствовании охраны и использования объектов материального, культурного и археологического наследия» // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Н. Вактурская, К. Задихина, Г. Снесарев, О. Сухарева, З. Соколова и И. Жабборов;

3) *исследования период независимости*: в рамках темы за годы независимого развития Узбекистана были опубликованы научные труды И. Жабборова, Х. Кароматова, Б. Ахмедова, А. Аширова, Т. Киличева, А. Маликова, М. Саттора, А. Абдурасулова, Г. Ходжиниязова, С. Эсбергмановой и Х. Хакимниязова;

4) *труды зарубежных исследователей*: интересующая нас тема затрагивается в трудах зарубежных исследователей Н. Терлецкого, С. Абашина, А. Сызранова, С. Червонной, Д. Девизе, М. Эбади, П. Сарторий, Ш. Акинера, Д. Кандиёти, Д. Абрамсон и К. Бодроги.

Однако, как свидетельствует анализ историографии указанных исследований, в них не рассматривались места паломничества Хорезмского оазиса, как специальный объект исследования. В частности, до настоящего времени не имеется комплексного историко-этнологического исследования охватывающих тему региональных особенностей святых мест оазиса и определению их роли в экономической жизни общества и развитии паломнического туризма.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, в котором выполнена диссертация.**

Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских работ Ургенчского государственного университета. Научные результаты и выводы диссертации соответствуют содержанию фундаментального проекта № МЗ-12 на тему «Историко-культурные объекты (священные места поклонения) Хорезма и история их формирования (2012–2013)», осуществляемого, согласно проектам государственных научно-технических программ, в Хорезмской академии Маъмуна.

**Целью исследования** является, изучение мест поклонения и паломничества Хорезмского оазиса, их региональных особенностей, а также соблюдаемых обычаев, проводимых обрядов и ритуалов на основе историко-этнологического материала.

**Задачи исследования:**

дать научную оценку степени изученности мест паломничества Хорезмского оазиса, достижениям и упущениям в процессе изучения данной сферы;

Проанализировать сведения по истории мест паломничества, содержащиеся в письменных источниках и научной литературе;

на основе междисциплинарного подхода изучить описание, классификацию и архитектурную структуру мест паломничества и поклонения Хорезмского оазиса;

в ходе рассмотрения региональных особенностей ритуалов, совершаемых в местах паломничества, проанализировать на основе этнографических материалов их историю, культуру и порядок посещения святых мест;

изложить в историко-этнологическом ракурсе обряды, совершаемые в святых местах в связи с календарной и хозяйственной жизнью населения оазиса;

сформулировать научные выводы о значении обрядов, совершаемых в местах паломничества, в национальной культуре и менталитете узбекского народа, а также об их преобразованиях в контексте современных глобализационных процессов;

